



halol.uz

## Олти ой кўришмаса никоҳ ўқитиларми?

Кизимнинг турмуш ўртоғи беш ой олдин узок сафарга кетган эди. Баъ-зиларнинг айтишига караганда эр ва хотин олти ой давомида кўришмаса, кайтадан никоҳ ўқитиш керак эмиш. Хакикатан ҳам шундайми?

**ЖАВОБ** (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, роҳимахуллох): Йўқ, ундай эмас. Ораларида талок масаласи кўрилмаган бўлса, бундай гапни кўтаришнинг ҳеч хожати йўқ. Турмуш такозоси ва яна баъзи бир сабабларга кўра орада айрилик тушиб, икки

тараф бунга рози бўлсаю, талок масаласи кўрилмаган бўлса, ўз-ўзидан талок тушиб қолиши мутлако мумкин эмас. “Олти ой эр-хотин бир-бирини кўрмаса, талок тушиб қолади”, деган гап ҳам катта мусибатларимиздан бири. Бу ҳам саводсиз кишиларнинг шариатга аралашishi ва ўзини билимдон кўрсатиш учун қилган нотўғри ҳаракати оқибатидир. Бундай нарсалар кишиларни ташвишга солиб, шубҳалантиришга олиб келади. Бунга қуйидагича ҳолат ҳам далилдир. Бир эркак ўз ихтиёридан ташқари мажбур бўлиб сафарга кетган. Оила каттик ташвишланмоқда. Сабаби – аёлнинг қариндошлари, балки эр-хотиннинг ўзлари ҳам олти ой кўришмаса талок тушиб қолармикин, деган ўйдалар. Кўп кишилар ана шундай ташвишга тушишяпти. Гапнинг эса ҳужжат-далили йўқ. Бунинг яна кўпчилик эътибор бермаётган оғир бир мусибати бор: мана шундай тарзда бошқа ёкка кетган кишилар бир муддатдан кейин қайтиб келмаса, «Энди олти ойдан кўп вақт ўтди, талок тушган бўлса керак», деган гумон билан хотиннинг бошқа эрга тегиб кетиши ёки келиннинг ота-оналари эрга бериб юбориш ҳолатлари ҳам бўлмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шариатга ҳилоф ишлардир. Ҳеч қаерда, ҳеч ким «Эр-хотин олти ойдан ортик кўришмаса, талок тушади», деган гапни айтган эмас. Талок эр кишининг хотинига «сён талоксан» дейиши билангина тушади. Бошқа вақтда ўз-ўзидан талок тушиб қолиш ҳолатлари бўлмайди (Аллоҳ билувчидир).